БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 23 август Пайшанба
№ 159 (13.595).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

Якдил бўлиб жиноятчиликка қарши курашайлик

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши жумҳуриятда жиноятчиликка қарши курашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Унда СССР халқ депутатлари съездлари ва Ўзбекистон ССР Олий Шўроси сессияларининг давлат ва ижтимоий турмуш ҳуқуқий асосларини муттасил такомиллаштириб бориш тўғрисидаги қарорларини мумкин қадар тезроқ амалга ошириш жуда зарур эканлиги таъкидланган. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия қўмиталарига, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига, жумҳурият вазирликлари ва идоралари зиммасига кучғайратларни интизомни, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари пухта муҳофаза этилишини таъминлашга қаратиш вазифаси юкланган.

Аҳоли пунктларида ва корхоналарда намунали тартиб сақлаб туришда меҳнаткашларнинг кенг иштирок этишини ривожлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот ва ахборотларини мунтазам тинглаб туриш тавсия этилган. Қонунчиликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг таклиф ва танқидий мулоҳазаларини тўларoқ ҳисобга олиш зарурлигига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон ССР Давлат план қўмитасига, жумҳурият Давлат моддий-техника таъминоти қўмитасига белгиланган тартибда Ўзбекистон ССР Ички ишлар ва Адлия вазирликлари учун 1990-1991 йилларда тегишли номенклатура бўйича зарур моддий-техника ресурсларини ажратиш масалаларини кўриб чиқиш топширилган.

Жумҳуриятда жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтиришнинг 1990-1991 йилларга мўлжалланган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари режаси тасдиқланди.

Шу режага мувофиқ ҳукумат даражасида Наманган вилоятида жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ҳамда белгиланган тадбирлар, қандай амалга оширилаётгани тўғрисидаги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш ҳақидаги; балоғатга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш юзасидан жумҳуриятда олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги; Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг жамоат тартибини муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти ҳамда жиноятлар олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлиги тўғрисидаги масалаларни ўрганиш ва кўриб чиқиш кўзда тутилган.

Давлат органлари ходимлари билан жиноий алоқада бўлган йирик талончилар, чайқовчилар, «саррофлар»ни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш ишларини фаоллаштириш йўллари белгилаб олинди.

Барча катта шаҳарларда, тайёрагоҳлар, темир йўллар ва автовокзаллар ҳузурида жиноятчилар фаолиятининг олдини олиш учун доимий ишлайдиган тез ҳаракат қилувчи гуруҳлар ташкил этиш, доимий милиция постларини мустаҳкамлаб, уларга жиноий мақсадларда транспортдан фойдаланишнинг олдини олиш, ўғирланган транспортни қисқа муддатда қидириб топиш, йўл ҳаракати қоидаларини атайлаб бузишларга қарши кураш олиб бориш вазифасини топшириш кўзда тутилган.

Фуқароларни кўчаларда ва жамоат жойларида уларга қарши жиноятлардан яхши муҳофаза этиш мақсадида милиция соқчи нарядларининг миқдорини жиноятлар энг кўп содир бўладиган жойларга яқинлаштириб, улар маршрутлари ва зичлигини қайта кўриб чиқишга қарор қилинди. Салбий ҳодисаларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган оператив-профилактик чоралар ишлаб чиқилди.

Тошкентда ва вилоят марказларида профилактик тадбирлар комплекси амалга оширилади. Бу жараён давомида аҳоли яшайдиган жойлардаги чайқовчилар, текинтомоқлар ва бошқа текинхўр унсурлар аниқланиб, уларни ишга жойлаштириш ёки ижтимоий фойдали меҳнатдан атайин бош тортган ҳолларда қонунга кўра жавобгарликка тортиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилади.

Даҳаларда, маҳаллаларда мунтазам ўтказиб туриладиган «Ғамхўрлик», «Ўсмир» деб номланган рейдлардан мақсад «тарбияси қийин» ўсмирларни аниқлаш ҳамда улар билан бундан кейин олиб бориладиган тарбиявий ва профилактика ишларини ташкил қилишдан иборатдир.

Шу йил охирига қадар маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги хабарларни шошилинч тарзда етказиб бериш учун навбатчи (диспетчерлик) хизматлари идора алоқаларининг барча турларидан фойдаланиш, биргаликда жамоат жойларида, энг кўп жиноят содир бўладиган даҳалар ва ноҳияларда шошилинч равишда милиция чақиришга мўлжалланган телефон-автоматларни зарур миқдорда ўрнатиш ва уларнинг ишлашини муттасил назорат қилиб туришни таъминлаш топширилди.

Келаси йили жумҳурият корхоналарида ва ундан ташқарида сигнал қурилмалари ва ускуналари тайёрлаш учун буюртма бериш кўзда тутилган. Бу ҳар йили фуқароларнинг камида юз минг хонадонини марказлашган тарзда қўриқланадиган уйлар рўйхатига жиноятлар олдини олиш ва уларни фош этишда, яшириниб юрган жиноятчиларни излаб топишда уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига кўмаклашишини ташкил этиш системасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигига халқ депутатлари маҳаллий Шўролари ижроия қўмиталари ҳамда жумҳурият Ички ишлар вазирлиги билан киритиш имконини беради.

Тошкентда, вилоят марказларида ва йирик шаҳарларда шахсий автомобиллар турадиган, қўриқланадиган қўшимча жойлар қурилиши учун ер участкалари ажратиш мўлжалланган; хизмат автомашиналари учун туриш жойларига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга улардан шартномавий асосда тунда шахсий транспорт воситалари турадиган жой сифатида фойдаланиш тавсия этилди.

Шўро, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг кўнгилли халқ дружиналари, оператив комсомол отрядлари, ўртоқлик судлари ва бошқа жамоат тузилмаларини ташкил қилиш борасидаги ишларини фаоллаштириш мўлжалланган. Меҳнат жамоалари кенгашларининг розилиги билан жамоат тартибини муҳофаза қилишда фаол иштирок этганларга қўшимча уч кунлик отпуска бериш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия қўмиталарига, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига ва ички ишлар вазирлигига йил охирига қадар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг жамоат тузилмаларига тегишли ҳудудларни бириктириб қўйиш, бу жойларда ишчи отрядларининг, кўнгилли халқ дружиналарининг милиция участка инспекторлари, ички ишлар органлари билан мустаҳкам ҳамжиҳатлик асосида олиб борадиган навбатчилиги самарадорлигини таъминлаш топширилди.

Муайян мақсадлардаги рейдлар, махсус операциялар, комплекс текширувлар ўтказиш, харидоргир моллар ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб то омборларга етказиб берилиб, сотилгунига қадар улар тақсимоти устидан жамоатчилик-давлат назоратини ўрнатиш режаси ишлаб чиқилди.

Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ва Давлат план қўмитасига шу йилнинг ўзидаёқ иқтисодий ислоҳот принципларига мувофиқ ва ҳукм қилинганларни тўғри йўлга солиш ва уларни қайта тарбиялаш вазифаларининг устунлиги асосида ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидаги хўжалик юритиш воситасини қайта қуриш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига тақдим этиш топширилди.

Бухоро вилоят ижроия қўмитасининг қамалиб чиққан шахсларнинг ижтимоий мослашуви юзасидан иш тажрибасини кенг ўрганиш; қамоқдан озод қилинганларни ишга жойлаштириш ва уй билан таъминлаш масалалари тўла ҳал этилгунига қадар вақтинча яшаб туришлари учун мўлжалланган марказлар барпо этишда бу тажрибадан фойдаланиш тавсия этилди.

Белгиланган тадбирлар режасида шу тадбирларни амалга ошириш учун жумҳурият оммавий ахборот воситаларига катта ўрин берилган. Жиноятчиликка қарши курашга бағишланган махсус нашрлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил қилиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

«БОБУРНОМА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов раислигида «Бобурнома»нинг 460 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юбилей комиссиясининг мажлиси бўлди.

21 октябрдан 26 октябргача нишонланадиган ана шу юбилейга иттифоқдош жумҳуриятлардан ва чет эллардан адабиёт арбоблари, олимлар таклиф этилди. Меҳмонлар Андижон ва Самарқандда бўладилар. Жумҳурият пойтахтида Бобурнинг ижодий меросига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилади. Шу кунларда жумҳурият ўқув юртларида «Бобурнома» муаллифининг номи билан боғлиқ кечалар, театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтади.

Мажлисда Андижонда Бобур ҳайкалини ўрнатиш тўғрисидаги, унинг номи билан боғлиқ жойларни ободонлаштириш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

АМЕРИКАГА — ЎҚИШГА

Америка Қўшма Штатларида таниқли бўлган иқтисодчи олим В. Леонтьевнинг таклифига биноан ўзбекистонлик уч нафар ёш олим океан ортига, Гарвард дорилфунунига жўнаб кетди.

Иқтисод фанлари номзодлари Бахтиёр Исломов ва Содиқ Сафоев, ҳуқуқшунос Улуғбек Эшонхўжаев олти ой мобайнида Леонтьев ва унинг мактаби услубида бозор иқтисодиётининг нозик жиҳатларини ўрганадилар.

Жумҳурият бюджети ҳисобидан ёш олимларнинг ана шу сафарига маблағ ажратилди, уларга таълим бериш учун кетадиган сарф-харажатларни эса Америка томони ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг илмий, инженер ва бошқарув ходимларини тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссияси ҳозир яна уч мутахассисни хорижий мамлакатларга жўнатиш учун ҳозирлик кўряпти. Бундан ташқари, шу йил Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидан 11 нафар ёш олимни жаҳоннинг етакчи илмий марказларига уч ой муддат билан иш ўрганишга юбориш режалаштирилган.

(ЎзТАГ).

ДЕПУТАТЛАРГА МАХСУС УЙЛАР

Белоруссия ССР Олий Шўросининг биринчи сессияси жумҳурият радиоси ва телевидениеси орқали тўла эшиттирилди ва олиб кўрсатилди. Атиги бир неча мажлисларгина ёпиқ эшиклар ортида ўтди. Боз устига, бундай мажлисларнинг биринчисига журналистларнинг қатнашишлари учун имкон бермадилар.

Ҳозирги халқ депутатларининг кўпчилиги номзодлик вақтларида уй-жой олишда бериладиган имтиёзларни йўқотиш хусусида қай даражада эҳтирос билан гапирганликлари эсимизга тушмоқда. Лекин орадан кўп вақт ўтгани йўқ, парламент кўпчилик овоз билан мисли кўрилмаган қарор қабул қилди: ишлаб чиқариш ва хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинган халқ депутати жумҳурият олий ҳокимият идорасида ишлаши ва Минск шаҳрида доимий яшаш жойи йўқлиги муносабати билан, унинг бутун оиласига, аслида бир умрга уй-жой ажратилади.

Олий Шўронинг бундай қароридан хабар топган Белоруссиянинг кўпчилик аҳолиси жуда ўринли савол бермоқда: наҳотки, янги, имтиёзларга эга бўлган «қайта қуриш» синфи пайдо бўляпти?

(СИТА).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ МАФКУРАВИЙ КОМИССИЯСИДА

21 август куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкуравий комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни шу комиссиянинг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов бошқариб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съезди якунлари, бу съездлар қарорларини амалга ошириш юзасидан мафкура соҳаси ходимларининг вазифалари муҳокама қилинди. Сўзга чиққан кишилар партия съездлари ўртага қўйган энг долзарб масалалар орасида байналмилал ва даҳрий тарбия масалалари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муаммолари борлигини таъкидладилар.

Тошкент вилояти мафкуравий ходимларининг семинари тўғрисидаги ахборот эшитилди. Ҳозирги пайтда съезд материалларини ижодий тушунтириш, партиявий ишларнинг янги шаклларини излаш муҳимлиги таъкидланди.

Мафкуравий комиссиянинг мажлисида партия қўмиталарининг 1991 йилга обуна кампаниясини ўтказишга доир ташкилий ва сиёсий ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Рўзномалар ва жаридаларнинг нархи оширилиши ва шу билан боғлиқ қийинчиликлар ҳақида ташвишланиб гапирилди. Мажлис қатнашчилари оммавий ахборот воситалари зарар келтиришини тугатиш ва уларнинг иши самарадорлигини ошириш учун резервларни қатъият билан излаш зарурлигини таъкидладилар.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоси, Марказий Қўмитаси мафкуравий бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Ю. С. Саиджонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкуравий комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Мафкуравий комиссиянинг мажлисида РСФСР Олий Шўросининг раиси Б. Н. Ельцин Кемерово шаҳрида бўлиб ўтган митингда Ўрта Осиё жумҳуриятлари шаънига айтган гапларнинг одоб доирасида эмаслигига эътибор қаратилди. Бундай баёнотлар мамлакат жумҳуриятларининг жипслашишига ва уларнинг қардошларча муносабати мустаҳкамланишига ёрдам бермаслиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкуравий комиссиясининг мажлисида вилоят партия қўмиталарининг котиблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкуравий бўлимининг ходимлари, жумҳурият мафкуравий ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



Кимнингки боғи кўп, унинг феъли кенг. Хоҳлаган киши истаган пайтида шу гап рост-ёлғонлигини синаши мумкин. Аммо барибир халқ нақли ҳақ бўлиб чиқади. Свердлов номидаги жамоа хўжалигининг Нозим Ҳидиров бошлиқ бригадаси ҳақида фикр юритаётганда шуларга тўхталиш шартми? Албатта-да. Ахир улар ҳам боғбон. Мевазор яратишган. Келажакка умидвор.

Далилларга боқинг. Бригаданинг 32 гектар узумзори бор. 10 гектар майдонга помидор экишган. Яна 20 гектар майдонда янги боғ ташкил қилишди. Одатдагидек пахта экишни ҳам унутишмаган. Унинг майдони 24 гектар.

Жамоанинг режаси нима? Йил давомида 180 тонна узум, 378 тонна помидор, 70 тонна пахта етиштириш. Нима ҳам дердик. Умидлари рўёбга чиқсин.

Суратда эса бригада ишчилари Фарҳод Эшматов, Фароғат Расулова ва Маҳбуба Сиддиқовалар.

Ж. БОБОРАҲМАТ, суратга олган.
Қашқадарё вилоятининг Китоб ноҳияси.

ОМИЛКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Жиззах пластмасса заводида ҳар бир сўм иш ҳақи эвазига, тўрт ярим сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада технологик жараёнларни омилкорлик билан йўлга қўйиш туфайли шундай муваффақиятга эришилмоқда.

Кейинги пайтларда завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тобора харидоргир бўлиб бораётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Айниқса, кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган буюмлар ўзининг сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Цех жамоаси жорий йилнинг дастлабки 6 ойи ичида 1 миллион 833 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, бу борадаги топшириқни 103 фоизга уддалашган эди. Ушбу ютуққа Марҳамат Қаюмова, Салима Исломова, Бозоргул Холматова, Баҳри Қирғизбоева сингари илғор ишчилар муносиб улуш қўшдилар. Цех пластмассачилари йил охиригача режадаги 3 миллион 566 минг сўмликдан зиёд иш бажаришни ўзларига мақсад қилиб қўйганлар.

Т. ЗАЙНИДДИНХЎЖАЕВА.

Шу сонга хабар

Қишлоқда консерва цехи

АНДИЖОН вилоятининг Ленин ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигига қарашли консерва тайёрлаш цехида комсомол-ёшлар зафар қучдилар. Улар ёз мавсумида ғайрат билан ишлашиб помидор, бодринг, патисон сингари маҳсулотлардан 21 минг дона консерва тайёрлашга эришдилар. Шуни таъкидлаш керакки цех яқинда ташкил этилган бўлиб, у қишлоқдаги дастлабки саноат корхоналаридандир. Авваллари цех ўрнида трактор гаражининг қаровсиз бошпаналари бор эди. Эндиликда комсомол-ёшлар ташландиқ жойни обод қилишиб, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Красноярск ўлкасининг аҳолиси асакалик шартномачи ёшлар меҳнатидан мамнун бўлишмоқда. Улар жамоа хўжаликдан юборилаётган маҳсулотлар эвазига қурилиш материаллари тортиқ этишяпти. Ўзаро иқтисодий алоқа ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлаётир.

(Ўз мухбиримиз).

Ўн килограммлик торт

ТОШКЕНТ ресторанлар трестига қарашли тайёрлов фабрикаси қўли гул қандолатчиларининг тайёрлаган маҳсулотлари нафақат пойтахт аҳолисига, балки жумҳуриятимизнинг, қолаверса хориждан келган кишиларга ҳам манзур бўлаётир. Бу ерда тайёрланаётган «Творожний», «Юбилейний», «Молочно-ореховий», «Кофейно-молочний» ва «Лимонний» номли тортлар мазалилиги, хуштаъмлиги билан, айниқса, ажралиб туради. (Давлат тили бу ерларга ҳали етиб келмаган).

Фабрика жамоаси ҳар куни аҳолига 600 килограммгача торт маҳсулотлари тортиқ қилишга муваффақ бўлаётир.

Яқинда фабрика жамоасига 10 килограммлик торт тайёрлаш тўғрисида буюртма тушди. Уни уста қандолатчилардан Матлуба Муҳраддинова ва Фая Губайдулиналар моҳирона тайёрлашга эришдилар.

Шунингдек, жамоа аъзолари майда «Молютка» пирожнийини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдилар.

Дастурхонингиз тўкин бўлсин

ЎЛКАМИЗДА ЁЗ. Айни пишиқчилик палла. Шанба-якшанба кунлари шаҳримиз бозорларини кезсангиз ғала-ғовурдан бошингиз айланади. Кимдир қовун харид қилса, яна бошқа биров олма-ю-узумни, яна алламкимдир эса шираси тилни ёрадиган анжирни сотиб олади.

Пойтахтимизнинг Олой бозорида шу кунларда, айниқса, савдо-сотиқ авжига чиққан. Деҳқонлар ўз шахсий томорқаларида етиштирган сабзавот ва полиз маҳсулотларини тезроқ сотгилари келади. Харидорлар эса нарх-наво устида эринмай тортишишади. Ҳар икки томон бир битимга келгач, маҳсулот харид қилинади.

Бу ерда оддий кунлари шахсий томорқаларда етиштирилган 150—200 тонна, дам олиш кунлари эса 280—300 тоннагача турли хилдаги ёз ноз-неъматлари эл дастурхонига тортиқ этилади.

Шаҳарликларни сабзавот маҳсулотлари ва мевалар билан таъминлашда Тошкент вилояти матлубот жамиятининг ишчи-хизматчилари ҳам алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар. Матлубот жамияти томонидан ҳар шанба-якшанба кунлари бу ерда ярмаркалар ташкил этилаётир. Уларда турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилмоқда.

Бозорга келаётган мева-чевалар оқими кундан-кунга кўпайиб, территория торлик қилиб қолмоқда. Буни ҳисобга олган бозор маъмурияти янги расталар ташкил қилишга киришди. Юз минг сўмлик атрофида қурилиш-монтаж ишлари бошланди. Маҳсулотни бир меъёрда сақлайдиган катта омборхона қурилди.

Раҳмат, шифокорлар!

ТАБИБ ТАБИБ эмас, бошдан ўтказган табиб. Қўлингиз синиб, оёғингиз чиққанми? Худо асрасин дейсизми? Айтганингиз келсин.

Синган-чиққанларни даволашда жумҳурият травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти жамоаси олиб бораётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Институт бошлиғи профессор Тоштемир Ўнгбоев раҳбарлигида бу ерда даволашнинг янгидан-янги замонавий усуллари татбиқ этилаётир.

Яқинда шу институтда Елизаров методига мос келадиган, унга қараганда бирмунча устунликка эга бўлган янги конструкцияли аппарат яратилди. Ихтирога муаллифлик гувоҳномаси берилди ва у беморларни даволашда қўлланила бошланди. Авваллари синган жойларни қайта тиклашда занглмайдиган медицина ҳалқачаларидан фойдаланилар эди. Институтнинг ёш болалар бўлими бошлиғи, профессор Раҳмонберди Хўжаев бошчилигида янги усул қўлланилди. Эндиликда синган жойларни операция қилишда янги материалдан ишланган пластик ҳалқачалардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу ҳалқачалар ўтмишдошларидан 4-5 карра енгилроқ бўлиб, рентген нурларини жуда яхши ўтказади. Уларни инсон организмининг турли қисмларидаги операцияда бемалол қўллаш мумкин.

З. ОРТИҚХЎЖАЕВ.

Шу сонга хабар

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари олдидан

ЭЗГУЛИК

ШАҲРИХОН ШАҲРИДАГИ 39-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ДИРЕКТОРИ МУХТОРЖОН УСМОНОВ БИЛАН МУСОҲАБА

— Ҳали-ҳанузгача айрим билим юртларига ўқувчилар бўйнидан боғлангандек мажбурлаб олиб келинади. Сизларда эса улар ўзига хос синовдан ўтишлари шарт. Шундай эмасми!

— Талаб ва эҳтиёж деган нарса бор. Биз ҳамиша ҳам уни эътиборда тутавермаймиз. Айрим оёқнинг тагидан нарини кўра билмайдиганларнинг калтабинлиги туфайли давлатнинг минглаб сўм маблағлари кўкка совурилади. Демоқчиманки, маҳаллий шароит учун тайёрлаётган мутахассисларимиз керакми, керак эмасми, буни инобатга олмаймиз. Оқибатда режа деган нарса оғир юк бўлиб елкадан эзаверади. Ахир ўйланг, билим юртини битириб чиқсангизу иш топа олмасангиз, ортингиздан ёшлар яна билим юртига қадам қўйишадими? Ҳечда. Аксинча, ёшлар вақтни беҳуда ўтказганларидан афсус чекишади.

— Бундай ҳолни сизлар ҳам бошдан кечиргансизлар, тўғрими!

— Албатта. Бундан уч-тўрт йил аввал билим юртимизда қурувчилар тайёрланарди. Қизиғи шундаки, гувоҳномани қўлга олган ўқувчилар қаёққа боришларини билмай икки ўт орасида қолардилар. Ахир дўппидай келадиган Шаҳрихонда қурувчилар сероб эдида. Қабул вақти бошланиши билан ўқитувчилар зир югуриб қолишарди. Ўқувчи топиш керак!

Ҳар бир ўқувчига бир йил мобайнида 700-800 сўм атрофида маблағ сарфланади. Масаланинг моддий томонини қўя туринг. Маънавий зарарчи? Ортиқча чиранишдан воз кечилди. Маҳаллий шароит пухта ўрганиб чиқилди. Сездикки, саноат корхоналари учун малакали ёшлар сув билан ҳаводек зарур. Шу боис Енгил саноат вазирлиги корхоналари учун тикувчи, бичувчи, трикотаж ихтисоси бўйича тикувчилар, техник назоратчилар тайёрлашга ўтдик.

— Ҳунар кишини улуғлайди. Элга танитади. Албатта, касбга эътиқод бўлсагина.

— Муаллимларимиз тарбиянинг худди ана шу қиррасига алоҳида эътибор қаратаяптилар. Устоз ўз шогирдининг мустақил ишлашига имкон бериши лозим. Айримлардек билим юрти ўқувчисига ишончсизлик билан қаралса иш олға силжимайди. Шунинг учун Калинин шаҳридаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси билан алоқа боғлаганмиз. Ўқувчиларимиз амалий ўқув жараёнини ўша ерда ўтайдилар.

— Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши деган гап бор.

— Масалага бошқачароқ ёндошиш керак. Ўзимиздаги тикув бирлашмаси ёки комбинатда, юқорида таъкидлаганимдек, шогирд-ўқувчига ўзгача қарашади. Худди дастгоҳни бузиб қўядигандек, алмисоқдан қолган машиналарни беришади. Калинин шаҳрида бўлса алоҳида иш жабҳаси яратилган. Оз вақт ичида улар тикувчилар бажарган ишни уддалай олишяпти. Яна қандай машиналарда денг. Ҳали бизнинг баъзи комбинатларимизда юз кўрмаган Япония, Чехословакия сингари чет мамлакатларнинг дастгоҳларида тажриба орттиришаётир.

— Меҳнат қилиб топган нонининг таъми бошқача бўлади.

— Қолаверса, ўзганинг меҳнати қадрига ҳам етади. Ўқувчи ишлаб пул топсин. Билим юртимизда «Ғўзал» ишлаб чиқариш ширкатини ташкил этган эдик. Қизларнинг ўзлари дарсдан бўш вақтларида болалар, эркаклар учун кийим-бош тикадилар. Савдодан тушган пулнинг бир қисмини уларнинг ўзлари олади. Қолгани эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади. Гоҳида кузатиб қоламан. Ўқувчилар ойлик стипендиясини олганда эмас, иш ҳақи олишганда кўзларида ўт чақнайди.

— Ўқувчиларингиз тикаётган маҳсулотлар харидоргир. Бу ҳақда рўзномаларда ҳам ёзиляпти. Хом ашё масаласичи!

— Калининдаги трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузганмиз. Ишлаб топилган маблағнинг 50 фоизига нақд пул эмас, хом ашё олаяпмиз. Ахир хом ашё масаласи муаммо. Ким тайёр нарсани бергиси келади. Қолаверса, яқинда ширкатни ишлаб чиқариш цехига айлантирдик. Энди шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳамда Володарский номли Андижон тикув ишлаб чиқариш комбинати Шаҳрихон филиали ярим тайёр маҳсулот бераётир. Ўқувчилар эса ишни ниҳоясига етказишмоқда. Ҳозиргача улар 30 минг сўмлик маҳсулот сотишди.

— Ўқувчилар маҳсулотини савдо расталарида сотиш бирмунча ноқулайлик туғдирмоқда чоғи!

— Август кенгаши арафасида «Гўзал» савдо магазини очамиз. Уни 1,5 минг сўм сарф қилиб қурдик. Айтмоқчиманки, авваллари савдо растасида туртиниб юрардик. Эндиликда ўз дўконимиз бор. Бундан ташқари, вилоятдаги билим юрти ўқувчилари ҳам бизнинг дўкон орқали ўз маҳсулотини савдо қилишлари мумкин.

— Қизлар ишлатаётган тикув машиналари ҳам хорижий мамлакатлар машиналари эмасми!

— Тўғри топдингиз. Юқори меҳнат унумдорлигига эга, бир неча программа асосида ишлайдиган чет эл машиналари. Уларни ҳам оталиқ ташкилотимиз билан шартнома воситасида олганмиз. Ҳозир цехда бундай 17 та тикув машинаси ишлаб турибди.

Ўқувчиларимиз амалий ўқув жараёнига чиққанида турли маҳаллий саноат корхоналарига боришга тўғри келади. Уларнинг неча йиллардан буён ишлатавериб, сийқаси чиқиб кетган дастгоҳларга ишга боришини ўйлаб, юрагингиз ачишиб кетади. Ахир эски дастгоҳ билан замон талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариб бўладими? Калинин трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси мутасаддилари Шаҳрихонда филиал очишмоқчи эди. Аммо негадир маҳаллий раҳбарлар уларнинг таклифини қўллабқувватламадилар.

— Бугунги ўқувчи — эртанги ишчи. Билим юрти билан мутасадди ташкилот ўртасидаги алоқалар яхши бўлмас экан, эзгу ишларга умид қилиш қийин.

— Шунисига доғдаман-да. Энг аввало бўлғуси ишчи ёки тўқувчи тўғрисида корхона раҳбарлари қайғуришлари керак. Ахир ишлаб чиқаришнинг келажаги уларга боғлиқ. Тўқувчи қанчалик малакали, ишбилармон бўлса, корхона учун шунчалик фойда. Бизда эса икки ўртада кўринмас девор пайдо бўлган. Ҳатто битирувчиларимизни ишга жойлаштириш учун кимнидир ака, кимнидир ука дейишга тўғри келади.

Халқимизда қарс икки қўлдан деган гап бор. Тарбиявий ишда жўровозлик бўлмаса, эртанги кун ютуқлари самарали бўлмайди.

— Билим юртини битираётган ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам ишга жойлаша олишмаётир. Демак, яна давлат маблағини кўкка совуриш юз бермаяптими!

— Муаллим учун меҳнатнинг юзага тўла чиқмаслигидан оғири йўқ. Юқорида айтдим-ку, ўқувчиларим ишсиз, саргардон юришса, юрагимда оғриқ туради. На илож. Ноҳияда 6 мингга яқин ишсиз бор. Иш ўринлари муаммо. Ўтган йили 330 нафар ўқувчи қабул қилган эдик. Бу йил ҳам юқоридагилар худди шундай режа қўйишди. Биз масалани обдон ўргандик. Қабулни ташкилотлар билан боғлаган ҳолда ташкил этдик. Бошимизда калтак синса синсин, аммо 240 нафар ўқувчини қабул қилдик. Мустақиллик бўлгандан кейин ҳақиқат бўлсин-да.

— Яқинда билим юртида вилоят семинари ўтказилди. Тажрибаларингиз оммалаштирилди. Аммо тадбир тор уйда томошага ўхшаб туюлди.

— Ўқув биноларининг оғир аҳволдалигини айтмоқчисизда. Ҳозир тўла таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказдик. Ўқувчилар тамадди қилишлари учун ҳатто буфет йўқ эди. Буфет очдик. Кондитер маҳсулотлари цехи қурилишини бошлаб юбордик. Спорт зали йўқ эди. Енгил конструкциядаги спорт зали бунёд этиш ҳаракатидамиз. Ҳисобимизда 60 минг сўм пул бор. Ҳар қалай қўлимиз калта эмас.

— Халқимизда эскини эплагунча эсинг кетади, деган гап бор.

— Биз ҳам бошқа билим юртидагилар каби кенг, ёруғ, замонавий биноларда сабоқ беришни истаймиз. Аммо на илож, иқтисодий камбағаллик сабрнинг таги олтин, дея ўзимизга таскин беришга мажбур қилаяпти. Ҳозир янги бино қурилиши лойиҳаси ҳаракатида юрибмиз.

— Август кенгашларида қандай муаммони ўртага ташламоқчисиз!

— Ўзбек тилига давлат мақомини берилганлиги жуда катта ютуқ бўлди. Аммо билим юртларида амалий ишга киришиш қийин кечаяпти. Оддий журнал юритишларимиз ҳам, ведемость, режа дастурлар ҳам рус тилида. Қолипдан чиқиш қийин. Конструкциялаш, материалшунослик, махсус технология каби фанлар бўйича адабиёт ва қўлланмалар рус тилида. Улар ҳам етарли эмас. Дарсликлар қачон ўзбекчалаштирилади, деган ўй тинчлик бермайди. Шаҳарда таржима билан шуғулланадиган «Акс-садо» ширкати ишлаяпти. Ҳозир режа-дастурлар ўзбекчалаштирилди.

— Бозор иқтисодиётига ўтилса, билим юрти ўз «юкини» ўзи кўтара оладими!

— Оғир масала. Ахир ҳар йили бюджетдан 650-700 минг сўм маблағ оламиз. Билим юртлари системасини қайта кўриб чиқиш лозим. Билим юрти билан корхона ўртасида кафолатланган шартнома бўлиши керак. Ўшанда ортиқча гувоҳномали ишсизларни етиштирмаймиз.

Ҳозирги вазифамиз эса ўқувчиларга пухта билим бериш, ҳунар ўргатиш. Машғулотларни мазмунли ўтказиш учун муаллимлар билан янги ўқув йили режаларини муҳокама қилдик. Ўтган йили энг аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш сифатида ўн минг сўм ажратгандик. Улар жумҳуриятимизнинг тарихий шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтишди. Энди янги куч, қувват билан ўқув йилини бошлайдилар. Навбатдаги режаларимизда ҳам уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мустақил ишлашларига кенг имконият яратиб беришни кўзлаяпмиз.

«Ёш ленинчи» мухбири Фозилжон ШОДМОН суҳбатлашди.

Хорижданн хабарлар

Телетайп лентасидан

ҚОҲИРА. Форс кўрфазида турган Америка ҳарбий-денгиз кучлари билан Бирлашган Араб Амирликлари қуролли кучлари ўртасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, шунингдек Бирлашган Араб Амирликлари базаларидан Америка қўшинларининг фойдаланиш эҳтимоли АҚШ мудофаа вазири Ричард Чейнининг амирликлар олий ҳарбий раҳбарияти билан учрашувида муҳокама қилинади.

БАЙРУТ. Ливан пойтахти ғарбий қисмининг жанубий шаҳарчаларида шиаларнинг «Амал» ҳаракати қуролланган бўлинмалари билан эронпараст «Хезболлаҳ» ташкилоти ўртасида тўплар, гранатамётлар ва йирик калибрли пулемётлардан фойдаланилиб, қаттиқ жанглар бўлди. Тўқнашувлар буржа Ал-Бараржни, Шиаха ва Гобейра даҳаларида бошланиб, сўнг Жанубий Байрутнинг барча ерларига тарқалди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ўндан ортиқ киши ўлган ва жароҳатланган. Сурия қўшинлари бир-бири билан курашаётган томонларни ажратиб юборишга уринмоқда.

ҚОҲИРА. Жазо бўлинмалари Араб аҳолиси оммавий равишда норозилик билдириб ўтказган намойишини бостириш чоғида Исроил босиб олган Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо шўъбасида 27 нафар фаластинлик жароҳатланди, деб хабар қилади МЕНА агентлиги. Ғазо шўъбасининг бир қанча ерларида, шунингдек Женин, Рамаллоҳ, Ал-Ҳалил, Калкилда ва уларнинг теваракларида жуда қаттиқ тўқнашувлар бўлди. Исроил қўшинлари ўт очувчи қуролларни ишга солдилар. Мазкур шаҳар ва қишлоқларни армия бўлинмалари қуршаб олган, у ерларда кенг кўламда тинтув ўтказилмоқда, одамлар ушланмоқда. Неча ўнлаб фаластинлик ҳибсга олинди. Босқинчи маъмурлар норозилик ҳаракатида қатнашганларни жазолаш мақсадида фаластинликларнинг Ал-Бурайж лагерига сув беришни тўхтатиб қўйдилар. Лагерда 30 мингдан ортиқ киши яшайди.

ДЕҲЛИ. Панжобдаги вазиятни бартараф этиш, у ерда тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш Ҳиндистон ҳукуматининг асосий вазифаси бўлиб қолади, деди Ҳиндистон Бош вазири Вишванатх Пратап Сингх. У «Мустақил Холистон давлати» тузилиши учун курашаётган Сикх террорчиларининг хуружлари бир неча йилдан бери давом этаётган чегарадаги шимоли-ғарбий штатга якшанба куни бир кунлик сафар қилди. В. П. Сингх чегара кучлари шахсий таркиби ҳузурида гапириб, Панжобдаги аҳволни изга солишдан бутун мамлакат манфаатдор эканлигини таъкидлади. У ҳарбий хизматчиларни қўпорувчи гуруҳларнинг Ҳиндистонга суқилиб киришига уринишлари пайини қирқиш, жумҳуриятнинг ажралиб кетишига йўл қўймаслик учун барча ишларни қилишга чақирди.

ИСЛОМОБОД. Ислом Демократик Уюшмаси (ИДУ)га кирувчи саккизта сиёсий партия раҳбарлари Покистон Бош вазири вазифасини ҳозир бажариб турган Ғулом Мустафо Жатой бошчилигида бирлашган сайлов фронтини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Фронтнинг асосий вазифаси мамлакатда 24 октябрь куни бўладиган ялпи сайловда барча оппозициядаги партиялар ва сиёсий гуруҳларнинг биргаликдаги ҳаракатларини таъминлашдан иборат. Улар бўлажак сайловда Беназир Бхутто бошчилигидаги Покистон Халқ партиясини мағлубиятга учратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

(СИТА).



Олмония Федератив Жумҳуриятида гиёвандлик муаммоси жиддий бўлиб қолганлиги расман эътироф этилмоқда. Мазкур йилда ҳукумат мана шу иллат билан курашиш учун ўтган йилгига нисбатан икки баравар кўп маблағ ажратган. Мамлакатда эса гиёвандларнинг миқдори мунтазам ўсиб бораяпти. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 1990 йил бошида бу ерда улар 200 мингдан зиёд кишини ташкил этган. Ана шу хавфли иллатга болалар ва ўсмирлар қўшилаяпти.

ОФЖ ҳудудида халқаро гиёвандлик мафияси фаоллашганлиги айниқса, ташвиш уйғотаяпти. Ўтган йили бу ерга гиёвандлик моддаларини келтиришга уринган қарийб беш минг таъминловчи ушланган.

СУРАТДА: 129 килограмм соф кокаин яқинда Мюнхенда мусодара қилинди, уни келтиришда шубҳа остига олинган уч киши — Колумбия, Венесуэла, Испания фуқароси ҳибсга олинган.

ДПА—СИТА сурати.

Конференция бошланди

ЖЕНЕВА, 20 август. (СИТА мухбири Виталий Макарчев). Женевадаги Миллатлар саройида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома амал қилишини кўриб чиқишга бағишланган тўртинчи конференция очилди. Юздан ортиқ мамлакат вакиллари биринчи ялпи мажлисга тўпландилар, унда конференциянинг кун тартиби тасдиқланди. Улар тўрт ҳафта мобайнида ядро қуролига алоқадор бир қанча жуда жиддий муаммоларни муҳокама қилишлари керак.

Ҳозирги конференцияда СССР шартнома режимини мустаҳкамлаш, унинг қатнашчилари доирасини кенгайтиришга кўмаклашиш, атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш борасидаги кучгайратларини қўллаб-қувватлаш вазифасини ўз олдига қўймоқда, деб таъкидлади СИТА мухбири билан суҳбатда Совет делегациясининг бошлиғи, СССР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари В. Ф. Петровский. Бўлажак мунозараларда ядровий қуролсизланиш, жумладан ядро қуроли синовини тўхтатиш жараёнига ҳисса қўшилиши ҳам керак, деб таъкидлади у.

1970 йилнинг март ойида кучга кирган ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома бугунги кунда унда қатнашаётган турли давлатлар нуқтаи назаридан қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасидаги энг катта ва нуфузли халқаро битим ҳисобланади. Шу йилнинг июнь ойи бошларида у ўз атрофига 141 мамлакатни бирлаштирди. Аргентина, Бразилия, ХХР, Франция, Ҳиндистон, Покистон, Исроил ва ЖАР давлатлари шартнома қатнашчилари бўлмасаларда, улар ядро қуролини тарқатмаслик юзасидан назорат қилишнинг етарли даражадаги самарали воситаси сифатида намоён бўлдилар. Шартнома тузилган кундан бери ядро қуролига эга бўлган бирорта янги давлат пайдо бўлмади.

Давлатлар шартномани қандай бажараётганликлари ягона назорат системаси ёрдамида кузатиб борилмоқда. МАГАТЭ унинг ўзаги ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар беш йилда бир марта шартнома амал қилишини кўриб чиқиш учун конференция чақирилади.

Ҳозирги конференция чоғида ядро қуролини тарқатмаслик билан боғлиқ муаммоларнинг бутун бир мажмуи муҳокама этилади. Бу муаммолар шартноманинг ўн битта бандида акс эттирилган. Унинг қатнашчилари ялпи хавфсизлик системасини мустаҳкамлашга шартноманинг жуда катта таъсирини муҳокама қиладилар, ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқадилар. Конференция секретариатида СИТА мухбирига хабар қилишларича, унинг ишида кузатувчилар сифатида Франция ва ХХР вакиллари биринчи марта ҳозир бўладилар. Улар ядро қуролига эга давлатлар бўлиб, шартнома қатнашчилари эмасдирлар.

Бу ерда таъкидлашларича, шартнома муддатини узайтириш керакми ёки унга муттасил тус бериш керакми, деган масала 1995 йилда ҳал этилишигача бўлган сўнгги конференция ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, худди шу нарса унга алоҳида аҳамият бахш этмоқда.

Конференция 14 сентябргача давом этади.



МАНФААТ УМУМИЙ

Бугунги кунда халқ хўжалигининг қайси соҳаси бўлмасин, ўзаро ҳамкорликсиз бирор бир муваффақиятга эришиш амри маҳол. Хоҳ у ижтимоий соҳада, хоҳ иқтисодий, маданий-маиший жабҳада бўлсин. Бу қайта қуриш талаби, демократия тақозоси. Эндиликда жумҳуриятимизнинг бир қатор ноҳия ва шаҳарларида, қишлоқларида, жамоа хўжаликларида ана шундай ҳамкорлик эвазига бир мунча ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Бухоро вилоятининг Бухоро ноҳиясида шундай бир хўжалик бор. «Маданият» деб аталади бу жамоа хўжалиги. Маданиятликларнинг меҳнаткашлар маданий-маиший турмуш даражасини йўлга қўйишдаги тажрибаси ҳақида илгарилари ҳам рўзномалар кўп маротаба ёзган.

Хўжалик Равотиқалмоқ қишлоқ Шўроси ҳудудида жойлашган. Хўжалик бошқарувининг халқ депутатлари қишлоқ Шўроси билан маҳкам алоқа боғлаганликлари боисидан ҳам кундалик ишларида бирмунча силжиш юз бераётир.

Сайловчиларнинг сўровлари дастлаб Шўрога тушади. Депутатлар уларни зудлик билан кўриб чиқиб, тартибга соладилар. Уларнинг бажарилишини эса хўжалик ўз ҳисобидан маблағ билан таъминлайди.

Ҳозирги пайтда Шўро ҳудудида ҳал қилиниши лозим бўлган энг асосий муаммолардан бири бу аҳолининг иш билан таъминланганлиги масаласидир. 1986 йилдан буён хўжаликда ёрдамчи корхоналар ривож топмоқда. Улар ёрдамида қарийб 40 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу йилига 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, демакдир. Кўрсаткич 1986 йилдагига нисбатан уч баробарга ошди.

— Хўжалик бошқаруви билан ҳаммаслак бўлиб, нимаики ишни амалга ошираётган бўлсак, бари қишлоғимиз, қолаверса, жамоа хўжалиги меҳнатчиларининг фаровонлиги йўлида қилинаётир, — дейди халқ депутатлари Равотиқалмоқ қишлоқ Шўроси раиси Ф. Наврўзов. — Бугунги кунда қишлоқ ҳудудида 11 та янги болалар боғчаси ишлаб турибди. «Гулҳайри» хотин-қизлар дастасида қишлоқ ёшлари орасидан чиққан талантлар ўз санъатларини намойиш қиладилар. Улар шу кунгача Тошкентда, Москвада ва ҳатто, Чехословакия мамлакатида бўлиб тингловчиларга куй ва қўшиқлар ҳадя этдилар.

СУРАТДА: хўжалик пласт-масса-полиэтилен буюмлари цехи ишчиси Адолат Қаҳҳорова бу ерда тайёрланган маҳсулотни намойиш қилаётир.

ЎзТАГ мухбири
Б. ЮСУПОВ олган сурат.

ДАРОМАДЛИ ТАРМОҚ КЕНГАЙМОҚДА

Боғдорчиликни сердаромад соҳага айлантириш Тошкент ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги боғбонларининг эзгу орзуси ва шиори бўлиб қолган. Шу мақсадда кейинги йилларда узумзорлар деярли икки баравар кенгайтирилди.

Илгари тажрибали боғбон И. Нурхожиев бригадаси узум етиштириб келган бўлса, бугунги кунда М. Бойматова ва М. Холматов бошлиқ соҳибкорлар ҳам боғдорчилик соҳасидаги ўз тажрибаларини кўз-кўз қилмоқдалар.

— Бурноғи йили мавжуд 150 гектар узумзордан бир ярим миллион сўм даромад қилдик, — деди биз билан суҳбатда жамоа хўжалиги фирқа ташкилотининг котиби А. Сулаймонов. — Ўтган йили токларни совуқ уриб кетди. Лекин тушкунликка тушмадик. Дарҳол уларни озиқлантириб, пухта ишлов бердик. Буни нега алоҳида таъкидлаяпман? Узум навдалари яхши пишмаганда эди, бу йилги ҳосил ҳам бой берилган бўларди.

Хўжалик ҳар йили 1800 тоннага етказиб узум топшириб келмоқда. Аммо бу йилги ҳосил чўғи кўзлангадан ҳам яхши. Ишкомларда товланиб турган тилла ранг, қизғиш узум бошлари боғбон меҳнати самарали бўлишидан дарак бермоқда. Иқтисодчиларнинг хомчўтларига қараганда, яқиндагина ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаган жамоа хўжалиги боғбонлари бу йил гектар бошига 20 тоннадан — жами 2500 тонна ширин-шакар узум етиштирадилар.

Хўжаликда ҳозирдаёқ узум узиш бошланиб, халқимиз дастурхонига қут-барака қўшилмоқда.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СОВҒАГА — ТАНК

● КАЛИФОРНИЯДА яшовчи Дик Аллегрининг яккаю-ягона ўғли кўпдан бери, «ҳақиқий танк олиб беринг», деб хархаша қиларди. Ниҳоят болакайнинг орзуси рўёбга чиқди. Ҳа, ҳа, ажабланманг, Аллегри иккинчи жаҳон урушидан «омон қолган» 35 тонналик танкни ҳарбий буюмлар бозоридан 100 минг долларга сотиб олиб, эркатойининг туғилган кунида совға қилди.

ҲАЙКАЛЧАЛАР ИШҚИБОЗИ

● ЕР ЮЗИДА одамлар нималарга ишқибоз эмас, дейсиз? Ғарбий Германиянинг Кёльн шаҳрида истиқомат қилувчи Йохан Фишер исмли киши мана 25 йилдирки, фаришталар ҳайкалчаларини йиғади. Йоханнинг айтишича, ҳайкалчаларнинг энг «кексаси» 100 ёшдадир.

АРХИВДАН ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТ

● ВЕНГРИЯЛИК тарихчилар Эстергем шаҳри архивидан қизиқарли ҳужжат топишди. Бу 200 йил аввал шаҳар ҳокимларининг кашандаларга чекишга қарши ёзилган буйруғи эди. Ундан тушган маблағ маҳаллий ўт ўчириш командаси фойдасига ўтарди.

ҚОИДАБУЗАР ҚУЁН

● НЮРЕНБЕРГ шаҳри яқинидаги катта йўлда автомобиль фалокати натижасида 18 киши қаттиқ жароҳат олди. Унинг айбдори қуён эди. Машина тез ҳаракат қилувчи йўлда тўсатдан қуён пайдо бўлиб қолади. Уни босиб олмаслик учун ҳайдовчи машинаси рулини тезлик билан бошқа томонга буриб юборади. Натижада бошқа томондан келаётган тўрт автомобиль билан тўқнашиб кетиб, фалокат юз беради. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган полициячилар фалокат айбдорини топа олмадилар, чунки, қуён «қуён бўлганди».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Нуриддин МУҲИТДИНОВ

ҲАҚИҚАТ ЎЛМАЙДИ

ЁХУД ЛЕНИНЧИ БОЛЬШЕВИК АКМАЛ ИКРОМОВНИНГ ҚАНДАЙ ОҚЛАНГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Отилганларнинг тирик қолган оила аъзоларини қидирар эканмиз, Ф. Хўжаевнинг иккинчи рафиқаси Фотина ва қизи Вилоятни топдик. Улар билан мунтазам борди-келди қилиб турганмиз. Бахтга қарши Вилоят яқинда вафот этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ котиби Болтабоевнинг ақлли, иродали, олий маълумотли, босиқ, ёш ва гўзал умр йўлдоши (афсуски, исмларини эслолмадим) билан бир неча соат суҳбат қилган эдим. Катта таассурот қолдирди. У бир ўзи тўрт бола билан қолган бўлсада, уларни тарбиялаб, ҳаммаларини маълумотли қилишга муваффақ бўлди.

Репрессияга учраган бошқаларнинг оила аъзолари тўғрисида ҳам шундай дейишим мумкин. А. Икромовнинг ўғилларини топишга муваффақ бўлдик. Ургут Олмалиқда, Комил эса Москвада экан. Ўзбекистоннинг доимий вакили Қосим Раҳимовга сим қоқиб, Комилнинг адресини бердим. Уни топиб Тошкентга келиб-кетиши учун билет олиб беришини, кийинтиришини, йўлга пул беришини илтимос қилдим. Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ Носир Маҳмудовдан Ургутни топишни сўрадим. Бир неча кундан сўнг икковлари ҳам Тошкентда эдилар.

Улар билан МҚда учрашдик. Икковлари ҳам қамоқда бўлишган, сургун ва таъқибларни бошларидан кечиришганди. Оталарининг оқланганлигидан мамнун эдилар. Комил 10 ёшида отасидан ажралиб қолганди. Суҳбатимиз давомида у ёзувчи бўлиш иштиёқи борлигини айтди. Партиянинг XX съездида (биринчи ташкилий пленумда) мени КПСС МҚ Президиуми (Сиёсий бюроси) аъзолигига номзод қилиб сайлашгани учун тез-тез Москвага бориб турардим. Ана шундай сафарларнинг бирида Комил билан учрашдик. У отаси ҳақида китоб ёзмоқчи эканлигини айтди. Мен репрессия қилинганларнинг иши билан шуғулланаётган КПСС МҚ масъул ходими Дедов билан боғланиб бу ишда Комилга ёрдам беришни сўрадим. Чунки ўша пайтда бу материаллар мутлақо махфий ҳисобланарди. Дедов рози бўлди. КПСС МҚнинг 1957 йилги декабрь Пленумида мени КПСС МҚ котиби ва Президиум аъзоси қилиб сайлашгач, у билан Москвада тез-тез кўришиб турдим. Унинг ҳар бир асарини ўқиб хурсанд бўлардим. 1987 йил сентябрда Комилни Тошкентга таклиф этишди ва «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони нишонини топширишди. Мен уни охирги марта 1984 йилда ВЛКСМнинг Бутуниттифоқ академиясида кўргандим. Шундан бери учратолмай доғда эдим. Афсуски бу мен учун амалга ошмас орзуимлигича қолди. Яқинда матбуотда ажойиб инсон, оташин инқилобчи Акмал Икромовнинг фарзанди Комил Икромовнинг вафот этганлиги эълон қилинди.

Ургутнинг тақдири янада мураккаброқ бўлган. 1937 йилда уни қишлоқ хўжалиги институтидан ҳайдашган ва Тошкентдан кўчириб юборишган. Яхшиямки, бахтига илгари Акмал Икромовни қўриқлаб юрган чекист Спиридонов бор экан. У Ургутга ёрдам бериб, Куйбишевга ота-онасининг олдига юборган. Бироқ 1941 йилда Ургутни ҳибсга олишади. 1948 йил қамоқдан чиққанида Тошкентда яшашга рухсат беришмайди ва Олмалиққа келишга мажбур бўлади. Отаси оқлангандан кейингина ўқишини тугатишга муваффақ бўлди. Номзодлик диссертациясини ёқлади, уйланди, тўрт фарзанд кўрди. Афсуски Ургут ҳам яқинда оламдан ўтди.

Акмал Икромовнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ўша йиллардаги шарт-шароит, тарихий ва синфий ёндашув талабларини ҳисобга олмай гапириб бўлмайди. Мамлакатдаги бошқа жумҳуриятлар ва регионлардагига қараганда Туркистондаги вазиятнинг ўзига хослиги шунда эдики, ишчилар, камбағал деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъи назар Октябрь инқилобини тўла қўллаб-қувватлашди ва унда фаол иштирок этишди. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, ўша пайтда пролетариат ҳали синфий курашларда у қадар чиниқмаган, ишчилар синфи эса асосан пахта тозалаш, ёғ-мой корхоналарида ишловчилар бўлиб аҳолининг жуда озчилик қисмини ташкил этарди. Эндигина шаклланиб келаётган капитализм ҳали ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмасди. Омманинг аксарияти ўртасида ислом динига эътиқод кучли бўлиб, айниқса, иқтисод тубан даражада эди. Мустамлакачиликка, бой ва капиталистлар ҳокимиятига қарши кураш кўпинча миллий озодлик ҳаракати сифатида қабул қилинарди. Инқилобдан сўнг ҳокимият тепасига келган маҳаллий миллат вакилларининг аксарияти эса яширин иш олиб бориш ва синфий кураш мактабидан ўтмаган, етарли даражада инқилобий эътиқодга эга бўлмаган ва марксча-ленинча таълимотни тўлиқ ўрганмаган кишилардан иборат эди. Уларнинг кўпчилиги диний ходимлар, савдогарлар ва кустарлар оилаларидан чиқишганди. Мураккаблик ҳам мана шунда. Шу боис В. И. Ленин, РКП (б) МҚ маҳаллий ёш кадрларни қидириб топишга, тарбиялашга биринчи даражали аҳамият беришарди. Бу ишнинг нақадар қийинлигига бир неча мисол келтирамиз:

1922 йил 25 сентябрда РКП (б) МҚ Ташкилий Бюросининг қарори билан босмачиликка қарши курашда йўл қўйган хатоликда айблаб, Туркистон КП (б) МҚнинг котиби Н. Тўрақулов, жумҳурият ХКСнинг раиси С. К. Отабоев ва ТАССР Советлари МИҚнинг раиси А. Раҳимбоевлар ўз вазифаларидан озод қилинишганди. Шу билан бирга В. И. Лениннинг тавсияси билан РКП (б) МҚ ва Ўрта Осиё бюроси бу ўртоқларнинг хизматларини инобатга олиб, уларни партия учун сақлаб қолиш ниятида тўғри йўлни топиб олишларига ёрдам берди. Бир қанча муддатдан сўнг улар яна раҳбарлик лавозимларига кўтарилишди ва халқ учун кўп фойдали ишларни амалга оширишди.

Ўлканинг янги раҳбарлари — Туркистон КП МҚ биринчи котиби Назир Тўрақулов ва Туркистон ХКСнинг раиси Абдулла Раҳимбоевлар 1923 йилда Тошкентдаги болалар колониясида улкан болаларнинг қўлини ҳалоллаш байрамини ўтказишди. Бу ерга кўпгина бошқа раҳбар ходимлар ҳам таклиф этилишганди. Болаларни тўшакларга ётқизишди, халқ комиссарлари ва бошқа раҳбарлар уларнинг оёқ-қўлларини ушлаб туришди. Кўп сонли врачлар ва ҳамширалар эса миллий мусиқа асбоблари — карнай-сурнай, доира садолари остида болаларни чулчулҳасса қилишди...

Сал илгарироқ 1918 йил июнда Тошкентда ўтган Туркистон КПнинг I. съездида коммунистларнинг мусулмонлар оммасига нисбатан муносабати муҳокама қилинаётганди. Сўзга чиққанлардан бири жиддий ҳолда коммунистларга аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб бораётганда Қуръонга, Муҳаммад пайғамбарнинг таълимотига суянишни таклиф этди. Нега десангиз нотиқнинг фикрича, Муҳаммад пайғамбар коммунист бўлиб, унинг ғоялари социалистик йўналишда эмиш, деди.

Биз бу мисолларни нафақат вазиятни, нафақат омманинг, шу билан бирга энг юқори даражадаги раҳбар арбобларининг ғоявий чиниққанлиги ва сиёсий билими даражаси қай аҳволда эканлигини тасаввур қила олишингиз учун келтирдим. Ана шундай шароитда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Турар Рисқулов ва бошқа ижтимоий келиб чиқиши юқоридагидек бўлганларнинг сиёсий майдонда пайдо бўлишлари том маънода инқилобий иш бўлганди. Шунинг учун ҳам ёрдам бериш мақсадида хатолари учун доимо танқид қилишган бўлишсада, уларни дадил кўтаришган ва қўллаб-қувватлашганди.

Баъзи хулосалар. Акмал Икромов диндорлар оиласидан чиққан. Пискентлик катта ер эгаси ва савдогар Мулла Иброҳимбойнинг хонадонида батрак, буйруқчи бўлиб ишлаган ва унинг қизи Ҳанифага уйланган. Ёшлигида муфассал билим олмаган. Дунёқараши, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўлканинг илғор фикрли ёшлари, рус зиёлилари ва ўзбек инқилобчилари билан бўлган мулоқотлар асосида шаклланган. Марксистик тайёргарликни Москвадаги Коммунистик дорилфунунида олган. Унга шунингдек, иккинчи рафиқаси Евгений Львовна ҳам таъсир ўтказган. Ҳақиқий инқилобий мактабни эса А. Икромов ҳаётда ўтаган.

Жумҳурият раҳбари бўлиб турган вақтда бошқалардек у ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйган. 1937 йилгача бўлган оммавий қатағонларда мамлакат ва жумҳуриятнинг бошқа раҳбарлари қатори унинг ҳам айби бор. Шу билан бирга Акмал Икромов ишидаги материаллар билан танишар эканмиз, бизда уни Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби лавозимига тавсия қилиб тўғри қилишган деган қатъий ишонч ҳосил бўлди. У бутун куч-ғайратини, қобилиятини ишга бағишлаганди, ўз хатоларини тан ола биларди, Москвада, партия ва давлатнинг юқори органларига аъзо бўла туриб, ўлкамизнинг аҳволини тўғри айтиб, муҳтожликларни фаол ҳимоя қилиб, ҳал қиларди.

Партиянинг миллий сиёсатига ва маҳаллий кадрларнинг фаолияти қандай амалга оширилганлигига ва баҳо беришда икки нарсадан — идеаллаштириш ва нигилизмдан қочиш керак, ҳалол, партиявий позицияда туриб миллийлик ва миллатчилик ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим. Акмал Икромов жосус, қўпорувчи, қотил ва «халқ душмани» эмасди, у бедодлик ва қонунсизлик қурбони бўлди. Ишончимиз комилки, катта ўртоғимиз Акмал Икромов ҳақиқий ленинчи большевик эди.

...Акмал Икромовнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканман, доно халқимизнинг «Ҳақиқат букилса-да, синмайди» деган нақлининг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Аммо, минг бор таассуфлар бўлсинким, ана шу ўлмас ҳақиқат йўлида неча-неча ажойиб инсонлар дунёдан бевақт кўз юмдилар. Ана шунисига ачинасан киши...

* * *


Акмал Икромовнинг ибратли ҳаёти ва фожиали тақдири бизни доимо ҳушёр бўлишга чақиради. Айни пайтда шуни ҳам эътироф этиш керакки, Акмал Икромовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳали тўлиқ ўрганилмаган, батафсил ёритилмаган. Унинг, шунингдек Файзулла Хўжаев ва бошқа қаҳрамонларимизни халқимизга яқиндан танитишда шоир-у ёзувчилар, тарихчи олимларимиз-у киночиларимиз ғайрат кўрсатиб, улар ҳақида бадиий ва ҳужжатли асарлар яратишса, бор ҳақиқатни рўйи-рост айтишса, нур устига аъло нур бўлурди. Зеро ҳар қайси миллатнинг тарихи босиб ўтган асрларнинг сони, қурилган иншоотлар, ёдгорликлар, ҳар соҳада қўлга киритган ютуқлари билан бирга бутун ҳаёти-ю, меҳнатини аямай ўз Ватани ва дунё маданияти, илми тараққиётига ҳисса қўшган фарзандлари билан ҳам бойдир. Шу нуқтаи назардан Акмал ака Иттифоқимиз ва жумҳуриятимиз тарихида муносиб ўринга эга эканлигини кўрсатиш биз, барҳаёт кексалар ва ёш авлоднинг вазифасидир.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, қайта қуриш, демократия ва ошкоралик Ўзбекистонимизда партия тарихи, халқлар тарихини, қомусни, дарсликларни жиддий таҳлил этиш, уни камчилик ва нуқсонлардан тозалаш зарурати борлигини кўрсатмоқда. Мен ҳам бу борада ўз фикримни айтаман, албатта.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

7

8



Ҳайбатли девор қолдиқлари. Асрни асрга улаган мозий. Унинг елкасидан қанча туманлар сузмаган. Ҳадсиз тўфонларни айтмайсизми?! Тўс-тўполонлар, бепарволик ўз таъсирини ўтказди. У қариди. Ҳа, ростдан ҳам Ичон Қалъа кексайиб қолди. Афсуски, шундай...

Сурат муаллифи Жумабой ҚОЗОҚ,
Хива шаҳри.

ТАЛАБАЛАР КЕНГАШИ

Эл орасида танилган шифокор, бинокор ёки адиб чиқса, юртдошлари бу инсон бизнинг маҳалладан, қишлоқдан ёинки ноҳиядан деб ғурур билан гапириб юришади. Ҳозирги ёшлар орасида не-не келажаги порлоқ йигит ва қизларимиз бор. Уларнинг ҳар бири келажакда ўз элининг ғурури бўлишади. Шундай экан уларнинг камол топиши учун элдошлари нима қилаяптилар.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясида ноҳия фирқа ва комсомол қўмиталарининг ташаббуси билан жумҳуриятимиз ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларида таълим олаётган ноҳия талабаларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ноҳия талабалари ва турли ташкилот раҳбарлари қатнашдилар. Ёшларни ўйлантираётган муаммолар ва уларни бартараф этиш борасида фикр алмашилди. Учрашув якунида ҳар бир шаҳарда ноҳия талабаларининг кенгаши тузиладиган бўлди.

— Талабалар кенгашининг вазифаси, — дейди ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Баҳриддин Ғуломов. — Ноҳиямиздан таълим олаётган ҳар бир талабага моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдир. Бу тадбирнинг яна бир яхши томони шундаки, талабалар кенгаши йилига икки марта чақирилиб, талабаларнинг ўқиш савияси ва юриш-туришини ўз назорати остига олади. Бу тадбир орқали маҳаллий кадрлар тайёрлашни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашни кўзда тутганмиз. Четдан кадр олиб келишни тўхтатиб, ва маҳаллий кадрларнинг ўсиши учун қулай шароитлар яратишга ҳисса қўшамиз. Ҳозирданоқ баъзи жамоа хўжаликлари ва ташкилотлар талабаларни ўз оталиғига ола бошлади. Жумладан, «Қизил Юлдуз» жамоа хўжалиги раҳбарияти ота-оналар билан келишиб жамоадан турли шаҳарларда таълим олаётган 200 га яқин талабаларнинг айримларига жамоа хўжалиги ҳисобидан нафақа тўлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳа, Яккабоғ ноҳиясидаги бу хайрли иш изсиз кетмаса керак. Жумҳуриятимизнинг бошқа ноҳияларида ҳам шундай тадбирлар амалга оширилса, ёмон бўлмасди. Чунки жумҳуриятимизнинг келажаги шу каби ёшлар қўлидадир.

Н. ЖУМАНАЗАРОВ.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди!

Улуғ Ватан уруши ҳам катта бир тарих. Унинг қонли саҳифаларига мамлакатимизнинг бошқа миллатлари каби ўзбек фарзандларининг ҳам босиб ўтган жасоратли йўллари абадулабад битиб қўйилган. Журналист Ашурали АҲМЕДОВ бу мавзуда «Мен сизни севардим» номли китоб ёзди. Тўплам Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилиш арафасида турибди. Шу китобдан ўрин олган «Оловли йўллар» номли қисса Тошкент вилоятининг Оржоникидзе ноҳиясида истиқомат қилаётган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғуломжон КАРИМОВнинг жасоратли умр йўлларига бағишланган. Қуйида ана шу асардан парча ўқийсиз.

БИР ОЙДИН КЕЧА

Каримовнинг ротаси Молдава дарёси қирғоғидаги Баонень қишлоғи ўрмонзорларида дам оларди. Атроф сокин ва тинч. Ҳаво соф, салқин шабада эсмоқда. Турфа қушларнинг наволари дилларга ҳузур бағишлайди, бундан кўнгиллар яйрамасинми, ахир.

Мазали таомдан кейин аскарлар дарё қирғоқларига кетишди. Кимдир чўмилар, кимдир кийим-кечагини ювар, кимдир уйига хат ёзиш билан банд.

Иккинчи дам олиш куни ҳам тугаётган эди. 23 август, кеч соат олтида штабдан келган алоқачи Каримовни полк командири чақираётганини айтишди.

— Сизга яна бир масъулиятли топшириқ бор, буни фақат сиз бажара оласиз, бунга ишонаман, — деб командир унга вазифанинг моҳиятини тушунтирди.

Полк 24 августда Молдава дарёсини кечиб ўтиши керак. Бунинг учун аввало дарёнинг нариги юзидаги вазиятни билиш даркор. Бу ишни амалга ошириш учун Каримов бошлиқ разведкачи ва дозорлар юборишни шароит тақозо этарди.

— Бунинг учун, — таъкидлади Шурухин, — ротангизга яна биринчи рота ва бир взводни қўшиб берамиз. Кечаси соат иккида вазифани бажаришга киришасиз. Қишлоқни разведка қилиб, натижасини телефонда менга хабар қиласиз. Жангчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш сизга боғлиқ.

Каримов топшириқнинг моҳиятини ҳис қиларкан, мулоҳаза қила туриб, хаёлига бир фикр келиб қолди:

— Буйруқни бажариш учун ортиқча жангчиларнинг ҳожати бўлмаса керак, ўртоқ подполковник. Биргина бизнинг ротамиз борса, етарли деб ўйлайман.

Унинг бу таклифидан штаб командири Шурухин ҳайрон бўлиб:

— Нималар деяпсиз ўзи Каримов?! — Ахир икки ротада атиги 17 киши омон қолган бўлса. Улар билан душман орасига кириш... Танкка қарши қилич кўтариб бориш деган гап бу, фикрингиз маъқул эмас менга, — деб жеркиб берди.

— Бизга ишонаверинг, топшириқни биргина ўзимнинг ротам қойиллатиб бажаради. Сиз айтган жангчилар янги келган бўлса, улар ҳали тажрибасиз...

— Каримов тўғри айтади. Бизга ўликлар эмас, жасур тириклар керак. Унинг илтимосини рад этманг, ўртоқ подполковник, — гапга аралашди дивизия командири Бобров. — Мен унинг ротасига тўла ишонаман. Чунки аскарларининг бариси ўзи каби абжир, қўрқмас.

Шурухиннинг чеҳрасида табассум жилваланди.

— Яхши, буйруқни бажаришга киришинг...

Ғуломжон полкка келгунча мулоҳаза қилди: Командир айтгандай ротанинг ҳаёти унинг қўлида. Агар ротани ўзи билан олиб борса қандай бўларкин? Бирор кори-ҳол содир бўлмасмикин? Душман томондан ҳар замонда пулемёт овози эшитилиб турибди. Бизни пойлаб ётишган бўлса, бирдан ёпирилиб қолишмасмикин? 17 жангчи қирилиб кетади-ку? Унда штабга нима дейди? Урушда ҳамиша айтганинг бўлавермайди. Шундай экан, аввало икки жасур йигитни олиб қишлоқни бир разведка қилиб келган маъқул. Кейин ротани бошласанг бўлади!

Ҳали қуёш ботишига бир соатча бор. Вақт тиғиз, топшириқ эса ўта масъулиятли. Шошилмаса бўлмайди. Катта сержант Антрошкин ва жангчи Солиевни ёнига олиб, йўлга тушди. Бир пасда қайиқда дарёнинг нариги юзига ўтиб олишди. Дарё унчалик чуқур ҳам эмас, у қирғоқ билан бу қирғоқ ораси юз метрча келарди. Қирғоқдан кечиб ўтганларини ҳеч ким сезмади ҳам.

Улар дарёдаги кичик оролчаларни, душман жойлашган ерларни ҳушёрлик билан кўздан кечиришди. Баонень қишлоғи — дарё ёқалаб тахминан 400—500 метрга чўзилган. Дарёни кечиб ўтадиган тор ерига учта пулемёт ўрнатилган экан.

Қишлоққа оқшом қўнди. Теварак-атрофни тун пардаси қоплади. Бирдан гитлерчилар позициясида ғала-ғовур кўтарилиб қолди. Демак, улар кўпчилик экан. Сезиб қолишса, иш чатоқ.

— Энди орқага қайтамиз, — деди Ғуломжон шерикларига.

Душман позицияси ҳақида бир мунча тасаввурга эга бўлгач, тезда ротага қайтиб келишди. Ғуломжон ўз йигитларига вазифанинг ғоятда оғир ва масъулиятли эканлигини обдон тушунтирди.

— Агар кимки қўрқоқлик қилиб, разведкага боришни истамаса, шу ерда қолиши мумкин!

— Ўртоқ гвардиячи лейтенант, биз қўрқоқ бўлсак, қўлга қурол олиб урушга кирармидик, — Бегали Солиев ҳамманинг фикрини ифодалагандай бўлди. — Бизни фақат олға бошласангиз бўлгани.

— Раҳмат, дўстлар, — мамнун бўлди рота командири. — Тайёр бўлиб туринглар, кечаси соат иккида йўлга тушамиз.

1944 йил, 24 август, ярим тун. Тўлин ой тиккага келиб қолган. Осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Бутун борлиқ жим-жит ва сокин. Бу тун қанчалик гўзал ва сеҳрли туюлмасин, лекин Ғуломжоннинг кўнгли бир оз хижил эди. Тўлин ой ёғдусида душман уларни кўриб, сезиб қолса, режалари барбод бўлмасмикин?

— Қайиқда борсак бўлмас. Дарёнинг таги кўриниб турибди. Якка-якка кечиб ўтганимиз маъқул, — деди паст овоз билан командир.

Антрошкин қуролини елкасига боғлаб аста дарёга тушди, қўлларини ёйиб нариги қирғоқ томон суза бошлади. Орадан уч-тўрт минут ўтмай қирғоққа чиқди ва ўзини панага олиб, бошқаларнинг келишини кузатиб турди. Шу тариқа ярим соат ўтар-ўтмас, ҳаммалари дарёдан эсон-омон ўтиб олишди.

Каримов телефон симларини тортиб, сандиқчасини бир чеккага қўйди-да, пичирлади.

— Энди ишга дадил киришмоғимиз даркор. Эллик метрча нарида душманнинг пулемёти бор. Уни ким тинчитади?

— Мен, — деди Антрошкин.

— Яхши. Унда сен шеригинг билан бор. Биз бошқасини тузлаймиз.

У эмаклаб яна бир жангчини душман пулемёти жойлашган томонга бошлаб кетди. Пулемёт ёнида икки немис ширакайф бўлиб ётарди. Иккови жуда усталик билан уларни тинчитди. Иккала немис ҳам ханжар зарбидан қимирламай қолди. Улар дарҳол ҳалиги ўлган немиснинг шинел ва каскасини кийиб олди. Шерикларига «Мана, биз ҳам сафда ҳушёр турибмиз» дегандек ҳар замонда пулемётни тириллатиб турди. Антрошкин командирга ёрдам бергани ошиқди.

Бошқа жойларга жойлаштирилган иккинчи ва учинчи пулемётни ҳам жуда осон йўл билан қўлга олишди. Улар ҳам немис формаларини кийиб олишган эди. Пулемётларни қўлга киритишда сира ҳам талофат бўлмади. Чунки позицияда душманнинг бошқа аскарлари йўқ экан. Немислар қўшни қишлоқда навбатдаги ҳужумлар учун мудофаа иншоотлари қурар, кечаси позицияга қайтиб келишаркан. Шу сабабли, Каримовнинг операцияси хамирдан қил суғургандек осон кўчди. Каримов бу ҳақда полк командирига телефонда хабар қилди. Шурухин уларнинг иши ўнгидан келаётгани учун хурсанд бўлди.

Асир олинган немис пулемётчиси уларнинг взводи яқин уйлардан бирида дам олаётганини айтиб, Каримов ва унинг сафдошларини ўша ерга бошлаб борди.

Ҳашаматли уй бирор бир бадавлат румин оиласиники бўлса керак, қўш дарвозали, янги бино экан. Уйнинг атрофида соқчи айланиб юрибди.

Каримов сафдошларига овоз чиқармай буйруқ қилди:

— Дастлаб қоровулни, кейин эса, уйдаги немисларни ғафлат уйқусида тинчитмоғимиз шарт.

Сержант Арутунян қобилиятли спортчи. Аста қўрадан ошиб ўтиб, уй орқасига бекинди. Соқчи муюлишгача юриб келди-да, яна орқасига қайтди. Арутунян унинг орқасидан шердек ташланди. Ётқизиб, томоғидан бўғди-да, кўкрагига ханжар санчди. Дарҳол унинг ўлигини бир чеккага судраб, хашак ғарамига яширди, сўнг кийимини кийиб, ўзи соқчилик қила бошлади.

Каримов қулай пайтдан фойдаланиб, жангчилар билан қўрадан ошиб ўтди, немислар ётган хонага борди. Эшикни очиб қараса, ўн икки немис аскари маст бўлиб ётган экан.

У немисчалаб:

— Ҳенде хох! — деб қичқирди автоматини уларга ўқталиб.

Эсанкираб қолган немислар қурол-яроғларини олишга ҳам улгуришолмади. Ширакайф ҳолда қўлларини кўтариб бирин-кетин ташқарига чиқишга мажбур бўлди. Йигитлар уларнинг ёнларини тинтув қилиб, ҳужжатларини олишди. Ғуломжон икки аскари билан уларни штабга жўнатди.

Тушдан кейин қўшни қишлоқдан чувиллаб немислар кела бошлади Каримовнинг жангчилари черков жойлашган ноҳияда, уларни пулемётлар билан қарши олишди. Жанг икки соат давом этди. Душман анча талофат кўрди. Қолганлари маккажўхоризорга чекинди. Бу тўқнашувда разведкачилардан Антрошкин ва яна икки йигит ҳалок бўлди

Ғуломжон Каримов дарҳол вазиятни штабга хабар қилди. Бошқа полклар етиб боргунча ҳужумни давом эттириш ҳақида кўрсатма олди. Орадан кўп ўтмай, маккажўхоризорда оқ байроқ кўринди Яқин беш йилдан бери жанг қилаётган немислар урушда фақат совет жангчиларининг қақшатқич зарбасига учраётганиданми, уруш жонларига тегканиданми, ўлишдан кўра, асир тушганимиз маъқул, дегандек оқ байроқни кўтариб келаверди. Бу манзарани кузатиб турган Ғуломжон дарҳол Бегали Солиевнинг қўлига оқ байроқ тутқазиб, унга пешвоз чиқишни буюрди.

Бегали ўша немис билан юзма-юз келди. Немисча сўзлашни ҳам оз-моз биларди. У билан нима ҳақдадир гаплашиб ҳам олди. Кейин ҳалиги немис жўхоризорга кириб кетди. Бир маҳал Каримов қараса унинг элчиси душман элчисини бошлаб келаяпти.

— Буёғи жуда зўр бўлдику, — кўнглидан шундай фикр ўтди унинг.

Икки элчи Каримов ҳузурига келишди. Ғуломжон хурсанд бўлиб уларни хонага бошлади. Сўнг оберлейтенантга:


— Гитлер капут! — деди. Бу «энди Германия енгилди. Сизлар қуршовдасиз, таслим бўлмасанглар бирорталаринг ҳам омон қолмайсизлар», деган маънони берарди. Бегали немис тилида унга бу гапларни бир илож қилиб тушунтирди.

Немис зобити бир оз серрайиб турди-да, қовоқларини уйиб тескари ўгирилди. Сўнг маккажўхоризорга, шериклари ёнига кетди. Орадан кўп ўтмай бутун бир ротани бошлаб келди. 350 нафар фашистлар аскари таслим бўлганликларини билдириш учун қуролларини ерга ташладилар.

Сўнгра Шурухин ҳам ўз полки билан йетди. Разведканинг кутилгандан ҳам зиёда бажарилгани учун у Каримовни қизғин табриклаб қучоқлаб ўпди...

Ашурали АҲМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ТАЙЁРАГОҲИДАГИ ИККИ БЕЗОВТА ТУН



Тошкент тайёрагоҳига икки кечаю-кундуз ичида Аэрофлотнинг 85323 рақамли тайёраси батамом қарама-қарши нуқталардан икки марта келиб қўнди:

19 август куни кечқурун маҳаллий вақт билан соат 22 дан 42 минут ўтганда Красноярскдан келиб қўнди.

20 августдан 21 августга ўтар кечаси 01.40 минутда эса Покистоннинг Карочи шаҳридан учиб келди.

Ҳар иккала рейс ҳам Тошкент тайёрагоҳининг йўловчи тайёралар ҳаракати жадвалида кўрсатилмаган. Хўш, ўзи нима бўлди? Қароқчилар ҳужуми билан боғлиқ навбатдан ташқари учиш қандай тугади?

...Ҳаммаси тугади. Бахайр тугади. 85323 рақамли тайёра учишга ҳозирлик кўраётганди. Йўқ, йўқ, бу гал унинг ичида қароқчилар йўқ. Атрофида ҳам. Улар анча олисда, ўз Ватанидан ташқарида — Покистонда қолишган. Тўғрироғи, олиб қолишган. Мана улар. Гаровга олинганлар. Чеҳраларда табассум. Отланган манзилларн четда қолиб, бир кеча-кундузда умуман бошқа мамлакат тупроғига қўниб қайтдилар. Бир кунлик насиба Покистонда экан...

«Адашганлар»дан бири Сергей Ерюхин, «Якутуглестрой» комбинатида муҳандислик қилади.

— Қўрқмадингларми? — сўраймиз Серёжадан. — Фақат тўғрисини айт.

— Нимасини айтай. Яхшилик билан тугаган ҳамма нарса яхши. Худога минг қатла шукур. Қўлга олиш гуруҳлари яхшиям қурол ишлатишмади. Агар ишлатишганда борми???

«КРАСНАЯ ЗВЕЗДА» РЎЗНОМАСИДАН: 19 август куни Москва вақти билан соат 12 дан 55 минут ўтганда Якутскка бораётган 11 кишидан иборат ҳибсдагилар гуруҳи уларни кузатиб кетаётган милиционерларни қуролсизлантирди, ва Чулман тайёрагоҳида йўловчилар тушган тайёрани қўлга олди..

Кишилар жабрланишига йўл қўймаслик мақсадида тайёра Тошкентга қараб йўлга чиқди.

(21 август 1990 йил).

— Бирданига кўзим тушди,— дейди Нерюнгри шаҳар ички ишлар бўлими милиция сержанти Сергей Борщ Тошкентдалиги чоғида. — Босқинчилардан бири мен томонга кесилган милтиғини тўғрилаб турибди. Мен ҳам автомат затворини тортдим ва уни мўлжалга олдим. Шундай ҳолатда бир бир-биримизга қараганча уч-тўрт минут туриб қолдик. Бу Чулман тайёрагоҳидан кўтарилганимиздан сўнг озгина вақт ўтгач юз берди.

«ИЗВЕСТИЯ» РЎЗНОМАСИДАН: Йўловчи парвоз бекасини чақирди. Т. Шарфгалиева унинг олдига келди. — «Яхши қиз, ичишимизга кўпроқ сув берсангиз ва мана бу номани ўқисангиз.

Дастлаб Татьяна бизни Ҳаво Флоти куни билан табриклашяпти, деб ўйлаган эди. Қоғозда эса кема командирини чақириб келиш талаб қилинган эди.

— Балки, барибир байрам куни ҳазиллашишаётгандир, — ўйладим ва яна уларнинг олдига келдим. — Бироқ биттаси кесилган милтиғини чиқариб бўлган, иккинчиси қўлида қандайдир симни ушлаб турарди...

Учувчи хонасидан жиноятчилар олдига борт муҳандиси А Камошин чиқди.

— ...Йўловчиларга юришини ман қилдик. Соқчилар эса бизнинг таклифимизга кўра, қуролни бандитларга топширишди».

(22 август 1990 йил).

Шундай қилиб, кема учувчилари А. Листопадов, С. Турьев, штурман А. Орловский, борт муҳандиси А. Камошин, парвоз сарбонлари Н. Филимоненко-Иванова, Е. Рибников, Т. Шарфгалиевалардан иборат 7 кишилик экипаж ва бутун тайёра Нерюнгри тайёрагоҳидан кўтарилгач 20 минутдан сўнг, ерга хабар қилишди.

«Соқчилар қуролсизлантирилди, тайёра қўлга олинди».

Қароқчилар қутқуси билан тайёра Красноярскка учди. Ва ниҳоят, Тошкент тайёрагоҳига қўнди.

Энг қизиғи Тошкентда бошланди: босқинчилар тайёрага ёнилғи қуйишни, озиқ-овқат ва тунги кўриш асбобини беришларини талаб қилишди. Шу орада Нерюнгридан бошқариб келган экипажга дам олиш учун рухсат этилди.

«Фуқаро авиацияси бошқармасининг диспетчерлик хизматидан кема командири Қодир Отабоевга қўнғироқ қилишди: Зудлик билан етиб келинг, жиддий топшириқ бор».

Тошкент кўчалари бўйлаб учта машинада янги экипаж елдек учиб келарди. Улар кема командири Қодир Отабоев, штурман Анатолий Ли ва борт алоқачиси Анатолий Лебедевлар эди. Тайёранинг асосий экипажи халқаро йўлларда учишга тайёр эмасликлари туфайли шундай қарорга келинди. Устига-устак ёқутистонлик учувчилардан ҳеч қайсиси инглизчани билмас ва умуман тайёранинг ўзи ҳам халқаро йўлларда учишга мослаштирилмаган эди, А. Лебедевнинг чет тилини мукаммал билиши қўл келди. Уларни бу ерда меҳнат таътилини ўтаётган бошқарма бошлиғи Ғ. Рафиқов, ички ишлар вазирлиги вакиллари кутишарди.

Қодир ОТАБОЕВ, учувчи-йўриқчи: (Телетайп лентасидан) — «Учишдан олдин вазият жуда кескин эди. Жиноятчилар дам олаётган экипаж ўрнини биз эгаллашимизга ишонмас эдилар, уларни қўлга тушириш режалаштирилаяпти, деб тахмин қилардилар. Пиллапоядан кўтарилишимиз биланоқ бизни синчиклаб тинтиб кўришди, террорчиларнинг аҳволи танг эди. Улар бизга Деҳлига қараб учишни буюрдилар. Орадан 15 минут ўтгач, йўналишни ўзгартириб, Карочига учишни талаб қилдилар. Улар билан баҳслашиш фойдасиз эди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатидан бизга ишонмаётганликлари сезилиб турарди. Покистон маъмурлари қўнишга рухсат беришмади».

ТАЙЁРАГОҲДАГИ СУҲБАТДАН: Андрей КОМАРОВ. Ёқутистондан. Шофёр. Покистон устида айланиб юрибмиз. Бир пайт тайёрани олиб қочувчилардан бири гапиряпти: «10 минутга етадиган керосин қолди. Камарларни боғлаб олинг. Балки далага қўнишимиз ҳам мумкин. Ёнверимизда эса Покистоннинг қирувчи тайёралари кузатиб бораётир».

Тайёра ерга қўниши биланоқ қуролли кишилар уни қуршаб олишди. Покистон маъмурлари билан музокара олиб бориш учун тажовузкорлик билан ҳаракат қилган террорчи Исаков чиқди. Вазият жуда оғир эди...

Қисқача музокарадан сўнг қолган жиноятчиларни ҳам тайёрадан чиқишга таклиф қилди. Уларни қаёққадир автобусда олиб кетишди. Енгил тортдик.

Анатолий ЛИ, штурман. — Энг даҳшатлиси Карочи устида бошланди. Карочи тайёрагоҳи бизни қабул қилмаяпти. Фалокат сигналини қўшган ҳолда тайёрагоҳ устида бир ярим соат учдик. Бахтли тасодиф туфайли... омон қолдик.

Нерюнгри шаҳар халқ таълими бўлимининг йўриқчиси Б. Киреев Якутскка кенгашга кетаётган эди. Покистонга бориб қолди:

«ИЗВЕСТИЯ» РЎЗНОМАСИДАН: «— Ҳаммасидан кўра биз, агар бизни бўшатиб юборишса, отишма бошланишидан қўрқдик. Унда жиноятчилар йўловчиларни индамай йўқ қилиб юборишарди!.. Биз Горбачев номига радионома тайёрладик ва учувчилардан уни етказишларини илтимос қилдик. Президентдан қон тўкилишлар олдини олиш учун ҳар қандай чорани кўришларини сўрадик. Бу ерда, Тошкентда бизга айтишларича, телеграмма етиб борган ва Карочига қўниш масаласини Шеварднадзенинг ўзи ҳал қилган...»

(22 август 1990 йил).

Бўлиб ўтган воқеаларнинг хайрли тугашида ҳамюртларимиз — ўзбекистонлик фазогирлар ҳақиқий мардлик, қаҳрамонлик кўрсатдилар.

ТУ-154 кемасининг ҳақиқий командири А. Листопадов: — Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бизга бебаҳо ёрдам бердилар. Бизнинг халқаро йўлларда учишда тажрибамиз йўқ эди.

21 август 1990 йил. Тошкент тайёрагоҳи. Вақт тушдан ошган. «Покистонлик» Ёқутистон йўловчилари яна манзилга шошилишмоқда. Фақат бу гал қароқчиларсиз. Хайрлашяпмиз. Улар биздан илтимос қилишди. «Суратлардан бизга ҳам эсдаликка юборсанглар. Манзилгоҳимизни берамиз». Ён дафтарчамизда янги ёзувлар, исм-шарифлар...

Олиб қочилган тайёрани кутиб олиш учун шу куни Москвадан, «Комсомолская правда» рўзномасидан яна бир ҳамкасбимиз Тошкентга келган эди. Тайёрага ўт олдириш арафасида у шоша-пиша биз билан хайрлашди ва қўлимизга бир варақ қоғозни тутқазди:

— Москвага етказишга улгурмадим. Шуни муҳарририятингиздан туриб, телефон орқали юборсангиз: юбордик. «Кеча 85323 рақамли ҳаво кемаси Тошкентдан Нерюнгрига қараб йўл олди. У ҳеч қандай жадвалларсиз бораяпти. Экипаж эса ўша-ўша. Бироқ йўловчилар сафи биттага ортди. Уларга сизнинг махсус мухбирингиз қўшилди.


Ю. ГЕЙКО. Тошкент — Нерюнгри».

Сувонқул РУСТАМОВ,
Еркабой БОТИРОВ, (суратлари)
«Ёш ленинчи» махсус мухбирлари.

* * *

СУРАТЛАРДА: «карочилик» Ёқутистон йўловчилари Тошкент тайёрагоҳида.





Шеър тўқилмайди...

ИЖОДКОР ЁШЛАР БЎЛИМИГА КЕЛГАН ШЕЪРЛАРНИ ЎҚИБ

ШЕЪР НИМА ЎЗИ? Ҳар бир ёш ижодкор ўзига шу саволни бериб, бу тўғрида чуқурроқ ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Ҳар қалай шеър сўзлар тизмаси ёки фикрлар жамғармаси эмас. Шеър — бу инсоннинг юрак дарди, руҳий кечинмаси, маънавий озуқа манбаи...

Қадим-қадимдан шеър инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Эзилган чоғларида дардига малҳам, чарчаганида танига ором, ёлғизлигида ёнида йўлдош, қувонганида бахтига шерик бўлган. Курашга отланганида томирига қон, ўзига имон берган. Ҳар бир одам «шеър» ёзиши мумкин. Лекин ҳаммага маъқул бўладиган асар ёзиш кўпчиликнинг қўлидан келавермайди. Фақат юрагида дарди бор одамгина яхши шеър ёзиши мумкин.

Ҳар куни ижодкор ёшлар бўлимига юзлаб шеър келади. Бу шеърларни турли ёшдаги, турли хил касб эгалари йўллашган. Лекин буларнинг ҳаммасини ҳам шеър деб қабул қилиб бўлмайди.

Бўлимга келаётган шеърларни уч тоифага бўлсак бўлади. Биринчи тоифа эндигина қўлига қалам тутган, машаққатли йўлни танламоқчи бўлган, ҳаваскор қаламкашлардир. Уларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари. Машқлари ҳали шунга яраша. Масалан: наманганлик мактаб ўқувчиси Арслонов Нуриллонинг «Баҳор келса» машқини олайлик.

Хурсандликка тўлишар
шу чоғ,
Барча инсон, барча
ҳашорат.
Деҳқон чигит экади
шу чоғ,
Дон-дун тўплар шунда
ҳашорат.

Унда тугал бир фикр йўқ. Шеърият талабларига ҳам тўлиқ риоя қилинмаган. Бундай камчиликлар фақат Нуриллада эмас, бундан ташқари фарғоналик Одина Ўринбоеванинг «Она», «Ота-она», «Йиғлаётган Оролим», Пўлат Кимсановнинг «Раънохонга», Тошкент кооператив техникумининг талабаси Гулсара Эшонқулованинг «Ҳақиқатга айланган туш», Бекобод шаҳридан Ўғилой Икромованинг «Азоб берар...», самарқандлик Дилрабо Искандарованинг «Аёл», қашқадарёлик Моҳигул Эшонқулованинг «Армон», «Инсонга», «Аёл фарёди», наманганлик Марҳабо Муҳаммадиеванинг «Севимли шоир...», «Қалбимга қулоқ солсам», Соҳиба Исмоилованинг «Маъюс кўзлар» ва бошқаларнинг машқларида ҳам учрайди.

Бу ёш қаламкашлар шеър техникасини билишмайди. Сўз масъулиятини сезишмайди. Лекин улар қоғозга туширган мавзу халқимизнинг бугунги кундаги дарди. Улар халқ дардини сезиб турибди. Шу дард уларнинг юрагига кўчиб ўтган. Агар шу дардни йўқотишмаса улар келажакда яхши ижодкор бўлиб етишишади.

Энди иккинчи тоифа ижодкорларга бир назар ташлайлик. Улар шеър техникасини яхши эгаллаган. Лекин оригинал фикр ёки машқларида бадиийлик етишмайди. Улар шеъриятга яқин ижодкорлар, лекин яхшироқ бир фикрни ушлаб олишади-да, зўрма-зўраки сатрларни мунчоқдек тизиб ташлашади.

Аслида эса шеър тўқилмайди, у юракдан тўкилади. Тўкилган шеъргина ўқувчи қалбига етиб боради ва муносиб жой олади. Ховослик Садоқат (Садринисо Файзиева)нинг машқлари силлиқ ёзилган. Афсуски, унда янгилик бўладиган, кескин ажралиб турадиган оригинал ташбеҳ, фикр тақчиллиги сезилади:

Сингилжонлар пайти келар
очиласиз гул бўлиб,
Сизни олға чорлар мудом
орзу умид, туғёнлар.
Ой юзингиз ол бўлади,
қалбингиз нурга тўлиб
Йигитларнинг нигоҳидан
уяласиз шу онлар.

Яна бир ёш қаламкаш Қўшоқбой Жабборовнинг «Она ер...» машқи олти сатр лекин унда тўрт марта ер, икки марта қор сўзини ишлатган, қофиялар зўрма-зўраки олиб келинган. У ҳам сўзга масъулиятсизлик билан қараган. Тошкентлик Х. Нуриддиновнинг бир туркум, қўқонлик Мухторжон Хўжаевнинг «М.га», «Йиллар», фарғоналик Ҳошимжон Мамажоновнинг «Уруш ҳақида шеър», «Парвонаман», «Алишер ва Гулига» машқларида умид учқунлари ялт этиб кетади.

Учинчи тоифага кирадиган ижодкорлар шеърият нималигини тушунган, унинг лаззатию, азобини тортиб кўрган ёш қаламкашлардир. Улар шеър техникасини эгаллаб, оригинал бадиий фикр айтишга уринаётган умидли ёшлар. Лекин уларнинг ҳамма машқлари ҳали эътиборга лойиқ эмас. Андижонлик «Иқбол» уюшмаси аъзоси Абдурасул Аҳмадбековнинг «Ўхшатиш», «Қалам», «Муҳаббат ва нафрат» каби машқларида «Бир кўриб йўқотдим ақлу ҳушимни», «Тақдиридан нолиб ўзини койир», «Не учун ҳолимни сўрмайсан бир бор» каби жўн сатрлар бор. «Синов» машқи эса насиҳатга айланиб қолган. Лекин «Ёруғ юлдузга...» машқида бир оз муваффақиятга эришган. Самарқанд вилоятидан Абдушукур Улуғов оригинал асар яратишга интилган. «Шундай баҳор бу» машқида қуйидаги сатрлар бор.

Ранго-ранг эртаклар сўзлар
басма-бас.
Қирлар ҳаяжони — турфа
майсалар...

Унинг сатрлари қуйилиб келган. Одам юрагини жизиллатади. Хуршед Нуриллаевнинг «Баҳор...» сўзи билан бошланувчи машқи унинг анча истеъдодлилигидан дарак беради.

Ватан — мусофирнинг
ўтли соғинчи
Севги — қалбга ишқ
ўрнатгувчи жарроҳ.
Худо — одамзоднинг
сўнгги овунчи
Инсон — дунё учун
яралган оллоҳ.

Хуршедда шоир руҳи бор. Шеърият йўли — машаққатли йўл. Буни қўлига қалам олган ҳар бир ёш ижодкор дилдан тушуниб етмоғи керак. Шу йўлда сидқидилдан меҳнат қилган ижодкор, албатта, муродига етади. Атом асрида инсон руҳига мос асар яратиш ҳар бир ижодкордан чуқур билим ва тинимсиз изланишлар талаб қилади. Ҳозирги «ўзгарувчан» даврда халқ қалбини эзаётган ҳар бир дардни ўткир нигоҳ билан кўра олган ва шу дардни халқи билан бирга торта билган ижодкоргина ўқувчи қалбидан жой оладиган асар ярата олади.

Қўлига умид билан қалам тутган ҳар бир ижодкорга биз халқ дардига шерик бўлиб қолаверишини тилаймиз.

Жуманазар НУРИММАТОВ.

«Нишона» мушоираси

Ўғлим, сен учун яшайман

Оналикнинг лазиз таъмини
Сен туфайли сеза бошлайман.
Мунча ширин қошу-кўзларинг
Упичларга кўмиб ташлайман,
Ўғлим, сенинг учун яшайман!
Тош отганлар қотгай тош бўлиб!
Ўлим тилаганлар лош бўлиб!
Булутни маҳв этган чўнг қуёш бўлиб
Ғамларим куйдириб ташлайман,
Ўғлим, сенинг учун яшайман!
Менникимас қайғу ғамларим.
Ўтган эмас олтин дамларим.
Токи мавжуд пок одамларим
Кўзёшим сидириб ташлайман,
Ўғлим сенинг учун яшайман!
Азобларинг ўртасида жон.
Кўзимга тор келса-да жаҳон.
Онажон, деб талпинганинг он
Бошлари осмонга ўхшайман,
Ўғлим, сенинг учун яшайман!

Гавҳар АЙТОВА.

Кел

Кел ёнимга ўтир моҳтобон
Дардин унут, ҳижронин унут.
Икром ОТАМУРОДОВ.

Кел, ёнимга ўтир моҳтобон,
Ҳу ана у, юлдузга қара.
Ёнида бир юлдузчаси бор
Бирам ёруғ, бирам бокира.
Қоп-қоронғу ёлғиз осмоним
Шуълаларинг сочиб ёритгин.
Юлдузчамни инъом эт менга
Қўлларимдан тутиб қаритгин.

Нурмуҳаммад **МУҲАММАДИЕВ.**

Хато

Билмадим. Қалбимни ёндирган недир,
Сен ўша ўтмишда қолган индосан.
Энди сўзларимда пушаймон жодир,
Сен менинг тушуниб қилган хатомсан.
Эсдан чиқармоққа урингум сени,
Бўлди. Эсламоққа ҳаққим йўқ ахир.
Аммо қулоқ солмай қалбимда инграр,
Энди косасига сиғмаган сабр...

Моҳигул НАЗАРОВА.

Ишқ

Бағрим тупроғидан ўсиб чиққан Ишқ,
Армонлар сиз менга тўқиманг кафан.
Хўрланган юрагим гар бўлса беҳис
Утинчим вафонинг тилин чўқиманг!
Минг битта гумондан куяр остонам,
Бардошлар қулайди ўнгу сўлимда.
Севги сочларини силкитар масрур,
Хазонлар кўкарар Бахтнинг йўлида.
Юрак тупроғидан униб чиқар Ишқ ...

Маҳфуза ЭШМУРОДОВА.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 23528.